

СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 1 июнь куни Жаҳон банкининг Европа ва Марказий Осиё минтақаси бўйича вице-президенти Антонелла Бассанини қабул қилди.

Янги Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий ислохотларни самарали илгари суришда Ўзбекистон билан Жаҳон банки гуруҳи ўртасидаги кенг кўламли стратегик ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Учрашув аввалида давлатимиз раҳбари Антонелла Бассанини юксак лавозимга тайинлангани билан самимий қўллаш ва катта муваффақиятлар тилади.

Кейинги йилларда икки томонлама шериклик муносабатларини ривожлантиришда катта ютуқларга эришилгани мамнуният билан қайд этилди. Ўзбекистон банкнинг энг йирик бенефициарларидан биридир – лойиҳалар портфели 3 баробарга кенгайди ва бугунги кунда 11 миллиард доллардан ошди. 2026 йилга қадар Шериклик дастури 4 миллиард долларлик устувор лойиҳаларни ўз ичига олган.

Жаҳон банки соғлиқни сақлаш, таълим, қишлоқ хўжалиги, банк, энергетика, транспорт, рақамлаштириш ва бошқа йўналишларда амалга оширилган янгиланишларга кўмаклашмоқда.

Иқлим ўзгариши ва ривожланиш бўйича Мамлакат ҳисоботини тайёрлаш якунланмоқда. Банк иштирокида тараққиёт институтлари билан амалий ҳамкорликни мувофиқлаштириш бўйича самарали механизм – «Мамлакат платформаси» ишга туширилди.

Вице-президент Антонелла Бассани сермахсул ҳамкорликнинг бугунги даражасини юқори баҳолади ҳамда Жаҳон банки мамлакатимиздаги орта қайтмас ислохотлар дастурини изчил ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёрлигини тасдиқлади.

2030 йилга қадар муддатга белгиланган мақсадли вазифаларга мувофиқ камбағалликка қарши курашиш, қишлоқлар ва ўрта шаҳарлар инфратузилмасини модернизация қилиш, хотин-қизлар ва ёшлар бандлигига кўмаклашиш, соғлиқни сақлаш ва таълимни ислоҳ қилиш лойиҳалари диққат марказида турибди.

«Яшил» энергетикани жорий этиш, ер ислохотини, ҳудудларни комплекс ривожлантириш ва давлат корхоналарини хусусийлаштириш дастурларини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Марказий Осиёда минтақавий инфратузилмавий лойиҳаларни илгари суриш масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

ЎЗА

КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ БИЛАН КЕНГ КЎЛАМЛИ ШЕРИКЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ МУҲИМЛИГИ ТАЪКИДЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 1 июнь куни расмий таширф билан мамлакатимизда бўлиб турган Корея Республикаси ташқи ишлар вазирлиги Пак Чин бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги дўстлик ва алоҳида стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, кенг кўламли ҳамкорликни, энг аввало, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва молиявий-техник соҳаларда кенгайтиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Учрашув аввалида ташқи ишлар вазирлиги Пак Чин мамлакатимиз етакчиси Корея Республикаси Президенти Юн Сок Ёлнинг самимий саломи ва энг эзгу тилақларини етказди.

Сухбатда дўст халқларимизни чуқур тарихий ришталар, ўхшаш менталитет, анъаналар ва маънавий қадриятлар боғлаб тургани алоҳида таъкидланди.

Ҳар доимгидек яқин ва конструктив сиёсий мулоқотни, халқаро ташкилотлар, шу жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Жаҳон савдо ташкилоти доирасидаги ўзаро кўмакни давом эттириш муҳимлиги қайд этилди.

Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Президентимиз икки томонлама иқтисодий ҳамкорлик масалаларига алоҳида тўхтади.

Ўтган йили Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасидаги товар алмашинуви 24 фоизга ошди. Корея компанияла-

ридан ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 7 миллиард доллардан ортди.

Умумий қиймати 5 миллиард доллар бўлган истиқболли лойиҳалар портфели «яшил» энергетика, рақамли технологиялар, машинасозлик, кимё саноати, электротехника ва тўқимачилик тармоқлари, инфратузилмавий ривожланиш, шаҳарсозлик ва кўплаб бошқа йўналишларни қамраб олади.

Мамлакатимиз Ўзбекистоннинг муҳим инвестициявий ва технологик ҳамкорлари бўлган Жанубий Корея етакчи компаниялари билан кооперация алоқаларини кучайтиришдан манфаатдор экани таъкидланди.

Катта ёшдагилар учун тўртинчи даражали кўп тармоқли шифохона, онкология клиникаси, фармацевтика кластери ва тиббиёт йўналишидаги олий таълим муассасасини барпо этиш бўйича ижтимоий ва стратегик аҳамиятга эга лойиҳаларни жадаллаштириш зарурлиги қайд этилди.

Ярим ўтказгичлар инновацион кластери барпо этиш ҳамда Нодир металллар ва қотишмалар маркази фаолиятини ривожлантириш устувор вазифалардан бири сифатида белгилаб олинди.

Ўтган йилда Ўзбекистонда истиқомат қилаётганининг 85 йиллигини нишонлаган корейс миллатига мансуб кўп сонли юртдошларимизни янада кўллаб-қувватлаш, шу жумладан, Тошкент шаҳридаги Корейс маданияти ва санъати уйи фаолиятини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ВА ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ЕТАКЧИЛАРИНИНГ ИККИНЧИ САММИТИДА ИШТИРОК ЭТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев «Марказий Осиё – Европа Иттифоқи» форматидаги навбатдаги олий даражадаги учрашувда иштирок этиш учун 2 июнь куни амалий таширф билан Чўлпонота шаҳрида (Қирғиз Республикаси) бўлади.

Тадбирда минтақамиз давлатларининг раҳбарлари ва Европа Кенгаши Президенти Шарль Мишель иштирок этиши кўзда тутилган.

Кун тартибидан Марказий Осиё мамлакатларининг Евроиттифоқ билан конструктив мулоқотини янада ривожлантириш ва амалий ҳамкорлигини кенгайтириш масалалари ўрин олган.

«GSP+» тизимидан фойдаланган ҳолда ўзаро савдони кўпайтириш, инвестиция ва инновация лойиҳалари учун қулай шароит яратиш ва уларни илгари суришга кўмаклашиш, «яшил»

энергетикани жорий этиш, Транскаспий халқаро транспорт йўлаги салоҳиятини рўёбга чиқариш, рақамли ўзаро боғлиқлик, экология, туризм, маданият ва бошқа йўналишлардаги шерикликнинг долзарб жиҳатлари диққат марказида бўлади.

Саммит доирасида қатор икки томонлама учрашувлар ўтказилиши ҳам режалаштирилган.

Қайд этиш жоизки, бундаланган ҳолда ўзаро минтақавий учрашув 2022 йил 27 октябрь куни Остона шаҳрида бўлиб ўтган эди.

ЎЗА

Жамиятимиз мақсади

СУДЛАР МУСТАҚИЛЛИГИ КАФОЛАТЛАРИНИ КУЧАЙТИРИШ

одил
судловнинг
муҳим
мезони

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасини демократлаштириш ва эркинлаштириш, суд ҳокимиятининг фуқаролар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолиятини янада кучайтириш борасида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2016 йилдан буён суд мустақиллигини мустаҳкамлаш, ҳолислик, адолат ва қонунийликни таъминлаш мақсадида тизимга оид 50 дан ортиқ қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинди.

(Давоми 3-бетда) ►

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қирқ биринчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

1 июнь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қирқ биринчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлади.

Унда Сенат, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идораларнинг вакиллари, Сенат ҳузурдаги Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган ялпи мажлиси-

ни Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Ялпи мажлис Сенатнинг YouTube тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилди.

Сенаторлар дастлаб «Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида»ги қонунни кўриб чиқдилар. Таъкидланишича, мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга оширилган ислохотлар билан бир қаторда бугунги кунда ай-

рим йўналишларда муаммолар сақланиб қолмоқда.

Жумладан, бир қатор қонун ҳужжатларида манфаатлар тўқнашуви тўғрисида тушунириш берилган бўлса-да, давлат органлари ва муассасаларида уларни амалга ошириш ва назорат қилишнинг аниқ механизмлари белгиланмаган.

Қолаверса, соҳада ягона амалиётни шакллантирувчи ваколатли орган мавжуд эмас, манфаатлар тўқнашуви тўғри-

сида хабар бериш амалиёти йўлга қўйилмаган.

«Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунда давлат органларининг манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ёки уни бартараф этиш талаблари бузилишига йўл қўйган ходимлари, шунингдек, уларнинг раҳбарлари қонунчиликка мувофиқ жавобгар бўлиши белгиланган бўлишига қарамадан, қонунчилик ҳужжатларида жавобгарлик масалалари назарда тутилмаган.

«Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида»ги қонун юқоридаги муаммоларни бартараф этиш билан бирга коррупциявий ҳолатларни келтириб чиқарувчи манфаатлар тўқнашуви соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Сенаторларнинг қайд этишича, қонун билан унинг қўлланилиши доираси аниқлаштирилмоқда.


(Давоми 2-бетда) ►

● Моҳият

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилган ўзгартиришлар

юртимизда ўсимлик дунёсининг янада ишончли муҳофаза қилиниши ва яшил ҳудудларнинг кенгайишига хизмат қилади

Мамлакатимизда экологик хавфсизликни таъминлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, иқлим ўзгаришининг салбий оқибатларига қарши курашиш ва унинг таъсирини юмшатиш борасида илғор ўзгаришларга эришилмоқда.



Таъкидлаш жоизки, юртимиз флораси ва фаунаси жуда ҳам бой ва ранг-баранг. Биохилма-хиллик ҳозирги пайтда маълум бўлган 27 мингтага яқин турни ўз ичига олади. Улар орасида ўсимликлар дунёси 11 мингта турга яқин ва ҳайвонот дунёси 15,6 мингта турдан ортиқдир.

Шу боис Барқарор ривожланишнинг янги талабларидан келиб чиққан ҳолда юртимизда экологик вазиятни яхшилаш, шу жумладан, ўсимлик ва ҳайвонот оламини ҳимоя қилиш ва асраш бўйича янги-ча ёндашув асосида ислохотлар амалга оширилмоқда.

(Давоми 3-бетда) ►

■ ЖАРАЁН

СУДЪЯЛАР ОЛИЙ МАКТАБИГА ҚАБУЛ ЭНГ МУНОСИБЛАР ТАНЛАБ ОЛИНАДИ

Айни кунларда Судьялар олий кенгаши ҳузурдаги Судьялар олий мактабининг судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш курсига қабул жараёнлари давом этмоқда. 2023 йил 31 май ҳолатига кўра, 437 нафар талабгор, уларнинг 211 нафари жиноят, 104 нафари фуқаролик, 78 нафари иқтисодий, 44 нафари маъмурий суд йўналишларига ҳужжатларини топширган. Қабул жараёни тенг ҳуқуқлилик, очиқлик, шаффоқлик тамойиллари ва адолатли танлов асосида амалга оширилмоқда.



Бу йилги Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш курсига қабул қилишда ўтган йилги қабул жараёнида юзага келган айрим муаммо-


ли жиҳатларга барҳам берилди ва талабгорларга бир қатор қулайликлар яратилди. Хусусан:

биринчидан, юридик стаж

(Давоми 2-бетда) ►

Тарих тилсимлари

АЛИ ҚУШЧИНИНГ СИРЛИ КУТУБХОНАСИ



Асл исм-шарифи Алоуддин Али ибн Муҳаммад Самарқандий бўлган Али Қушчи буюк риёзиётчи олим сифатида тарихда ном қолдирган. Мирзо Улуғбек илмий мактабининг атоқли намояндalarидан бири ва унинг яқин шоғирди бўлган Али Қушчи 1403 йил Самарқандда туғилган.

(Давоми 4-бетда) ►

ЖАРАЁН

СУДЬЯЛАР ОЛИЙ МАКТАБИГА ҚАБУЛ ЭНГ МУНОСИБЛАР ТАНЛАБ ОЛИНАДИ



◀ (Бошланиши 1-бетда)

Жумладан, лавозими бўйича мансаб даражаси ёки мартаба даражаси бериш зарда тутилган қуйидаги ходимларнинг меҳнат фаолияти юридик ихтисослик бўйича меҳнат стаж сифатида инобатга олинади:

– судья ёрдамчиси, девонхона ва архив муdiri, консультантлар, бошқарма ва бўлим бошлиқлари;

– ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, суриштирув органлари ва уларнинг муассасалари масъул ходимлари;

– адвокатлар, давлат органлари, шунингдек, ташкилотларнинг юридик хизмати ходимлари, давлат ва ҳусурий амалиёт билан шугулланувчи нотариуслар ҳамда ихтисослашган давлат олий таълим муассасаларининг ҳуқуқшунослик фани ўқитувчилари;

Иккинчидан, тайёрлаш курсига киришда талабгорлардан талаб қилинадиган ҳужжатлар сони қисқартирилди: хусусан, талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

– тайёрлаш курси ихтисослиги номини кўрсатган ҳолда Олий мактаб директори номига ариза;

– шахсни тасдиқловчи ҳужжат (паспорт ёки ID шахс гувоҳномаси) нусхаси;

– маълумотнома-объективка (ёзма ва электрон шаклда);

– таянч олий юридик маълумот тўғрисидаги бакалавр диплом (таълим йўналиши: юриспруденция; таълим шифри: 5240100 ва 5380100) ва иловасининг нотариал

учун тўлдирилади);

учинчидан, ариза ва ҳужжатлар вилоят ва унга тенглаштирилган суднинг судьялари малака ҳайъатлари орқали ёки бевосита Судьялар олий мактаби қабул комиссиясига тақдим этилиши мумкинлиги белгиланди;

тўртинчидан, ихтисослик фани тест синовлари баҳолаш тилида ўтказилади. Ҳуқуқий мавзудаги иншо ва суҳбат ўзбек, қорақалпоқ, рус тилларида ёзилиши ва ўтказилиши мумкин;

бешинчидан, кириш синовлари натижаларини баҳолаш мезонлари аниқлаштирилди. Унга кўра,

– ихтисослик фани бўйича 30 та тест саволи учун 39 балл (1,3 баллдан);

– инглиз тили бўйича 30 та тест саволи учун 12 балл (0,4 баллдан);

– ҳуқуқий мавзуда иншо 30 балл (3 та мавзу бўйича 10 баллдан);

– оғзаки суҳбат 19 балл.

Қабул квотаси бўйича ҳам бир қатор ўзгаришлар амалга оширилди. Низомда тайёрлаш курсига қабул қилиш Судьялар олий кенгаши томонидан Олий суд билан биргаликда белгиланадиган қабул квоталарига мувофиқ давлат грантлари асосида амалга оширилиши белгиланган.

2023-2024 ўқув йили учун умумий қабул квотаси 96 та қилиб белгиланди. Шундан "Жиноят ҳуқуқи" йўналиши бўйича 30 нафар, "Фуқаролик ҳуқуқи" йўналиши бўйича 30 нафар, "Иқтисодий ҳуқуқ" йўналиши бўйича 20 нафар



тасдиқланган ёки ташкилотнинг кадрлар бўлимида тасдиқланган нусхалари, агар диплом тан олинган (нострификация қилинган) бўлса, бу ҳақдаги ҳужжат нусхаси;

– меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган ёки ташкилотнинг кадрлар бўлимида тасдиқланган нусхаси ёки my.gov.uz интерактив хизматлари орқали олинган ва махсус код (QR-код) мавжуд бўлган электрон нусхаси;

– Соғлиқни сақлаш вазирининг 2020 йил 31 декабрдаги 363-сонли буйруғи билан тасдиқланган шаклдаги одил судловни амалга оширишга тўққинлик қиладиган касалликлар ва жисмоний нуқсонлар йўқлиги ҳақидаги тиббий маълумотнома (шифокор мутахассиснинг тиббий хулосаси судьялик лавозимига тайинланадиган номзодлар

ва "Маъмурий ҳуқуқ" йўналиши бўйича 16 нафар номзод қабул қилинади.

Хотин-қизлар учун ҳар бир йўналиш бўйича қўшимча 3 тадан, шунингдек, Жиззах, Навоий, Сирдарё ва Сурхондарё вилоятларидан ҳужжат тақдим қилган талабгорлар учун ҳар бир йўналиш бўйича қўшимча 3 тадан — жами 24 та қўшимча квота белгиланди.

Ҳужжат топшириш муддати тугаганидан сўнг психологик тест, ихтисослик фани ва инглиз тилидан тест, ҳуқуқий мавзуда иншо ва оғзаки суҳбатдан иборат тўрт босқичли кириш синовлари асосида энг билимли, салоҳиятли, муносиб номзодлар танлаб олинади.

Илҳом НАСРИЕВ,
Қабул комиссияси
раиси ўринбосари

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Хусусан, қонун давлат органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, давлат муассасаларига, давлат унитар корхоналарига, давлат мақсадли жамғармаларига, шунингдек, устав фондида давлат улуши 50 фоиз миқдорда ва ундан ортқ бўлган акциядорлик жамиятларига, устав фондида давлат органларининг ёки бошқа ташкилотларнинг улуши жами 50 фоиз миқдорда ва ундан ортқ бўлган юридик шахсларга нисбатан таъбиқ этилади.

Шунингдек, давлат органи ёки бошқа ташкилот ходимининг яқин қариндошлари, давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг ходими ва (ёки) унинг яқин қариндошлари қайси юридик шахснинг устав фонди акцияларига ёки улушларига эгалик қилса, ўша юридик шахс ушбу ходимга алоқадор шахс ҳисобланиши мустаҳкамланмоқда.

Энг муҳими, давлат ташкилоти фаолиятида манфаатлар тўқнашувини тартибга солишда ваколатли органлар белгиланмоқда.

Эндиликда Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, давлат ташкилотларининг одоб-ахлоқ комиссиялари, кадрлар бўлинмалари ва коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари манфаатлар тўқнашувини тартибга солишни амалга оширадиган органлар сифатида мустаҳкамланмоқда.

Қонунда давлат ташкилоти ходимларига нисбатан манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш бўйича чекловлар, манфаатлар тўқнашувига оид талабларни бузишнинг ҳуқуқий оқибатлари, манфаатлар тўқнашувига йўл қўйган ҳолда қабул қилинган ва тузилган битимларни суд тартибда ҳақиқий эмас деб топиш асослари, манфаатлар тўқнашувига йўл қўйганлик учун жавобгарлик чоралари белгиланмоқда.

Қонуннинг амалиётга таъбиқ этилиши манфаатлар тўқнашувини тартибга солишнинг аниқ қонуний механизми белгиланишига хизмат қилади.

Шунингдек, мазкур қонуннинг қабул қилиниши натижасида манфаатлар тўқна-

шувини тартибга солишда давлат назоратининг амалга оширилишига, давлат хизматчиларининг бевосита раҳбарлари томонидан манфаатлар тўқнашувини ҳолатлари юзага келганда тегишли чоралар кўрилишига, давлат хизматчилари томонидан содир этилиши мумкин бўлган коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олди олинишига эришилади.

Муҳокама якунида қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг ялпи мажлисда "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига норасмий бандликни қисқартиришга қаратилган ўзгаришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида"ги қонун кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, қонун аҳолининг бандлигини таъминлаш ва ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш, норасмий бандлик улушини қисқартириш, шунингдек, ўзини ўзи банд қилган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган. Қонун билан Солиқ кодексига ва "Томорқа хўжалиги тўғрисида"ги қонунга ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилмоқда.

Хусусан, яқка тартибдаги тадбиркор билан меҳнат муносабатларида бўлган жисмоний шахслар томонидан ижтимоий солиқ суммасининг амалдаги базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоиздан, эндиликда йиллик базавий ҳисоблаш миқдорининг камида бир баробари миқдорда солиқ тўлаши белгиланмоқда.

Шунингдек, киритилаётган ўзгаришга кўра, қорвачилик, паррандачилик, қўнчилик, асаларичилик, балиқчилик, боғдорчилик, лимончилик, гулчилик фаолият турлари билан шугулланаётган фуқароларга уларга тегишли бўлган томорқа ер участкаси учун жавобгарлик чоралари парвариш қилинаётган уй ҳайвонлари ва паррандаларнинг сонидан қатъий назар ихтиёрий тартибда ижтимоий солиқни тўлашга рухсат этилиши белгиланмоқда.

Шу сабабли "Томорқа хўжалиги тўғрисида"ги қонундан ер участкаси майдонига қўйилган талаблар чиқариб

ташланмоқда.

Қонуннинг қабул қилиниши маҳаллаларда ишсизликни камайтириш ва норасмий бандликни қисқартиришга, расмий бандлар сони оширишга ҳамда фуқароларнинг иш стажига ва пенсия ёшига етганда ўзи учун мақбул пенсияга эга бўлиши таъминланишига хизмат қилади.

Муҳокама якунида қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шунингдек, Сенатнинг қирқ биринчи ялпи мажлисида "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига Қорақалпоғистон Республикасида инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилашга қаратилган қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун ҳам муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, Қорақалпоғистон Республикасининг комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, унинг иқтисодиётини эркинлаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда.

Шу билан бирга, инвестиция жалб қилиш имкониятини ошириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ва ёшлар бандлигини таъминлаш орқали Қорақалпоғистон Республикасининг иқтисодий салоҳиятини янада юксалтириш мақсадида қўшимча чоралар тадбирлар кўриш зарурати юзага келмоқда.

Сенаторларнинг таъкидлашича, ушбу қонун билан Солиқ кодексига Қорақалпоғистон Республикасининг тадбиркорлик субъектлари учун фойда солиғи, айланмадан олиннадиган солиқ, мол-мулк солиғи ва ер солиғи 2028 йил 1 январга қадар 50 фоизга камайтирилишини назарда тутувчи ўзгаришлар киритилмоқда.

Бундан ташқари, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик шахслар учун ижтимоий солиқ ставкаси 1 фоиз миқдорда белгиланмоқда, яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган ижтимоий солиқ эса шахарлар ҳудудида фаолиятни амалга ошираётган шахслар учун 12 бараварга, туманлар даражасида 6 ба-

раварга камайтирилмоқда ҳамда йилига базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 баравари миқдоринда белгиланмоқда.

Шунингдек, "Давлат божи тўғрисида"ги қонунга Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидаги нодавлат таълим ташкилотларининг ўқув жараёнига жалб этиладиган чет эл мутахассислари (ўқитувчилари) консултик йиғимини ҳамда доимий яшаш ва вақтинча турган жой бўйича рўйхатдан ўтказганлик учун ундириладиган давлат божини тўлашдан 2027 йил 1 октябрга қадар озод қилиниши назарда тутувчи ўзгаришлар киритилмоқда.

Мазкур қонун Қорақалпоғистон Республикасининг инвестициялар жалб этувчанлигини оширишга, тадбиркорликни ривожлантиришга, янги иш ўринларини яратишга, нодавлат таълим ташкилотларидаги таълим сифатини янада оширишга хизмат қилади.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Бундан ташқари, парламент юқори палатасининг мазкур ялпи мажлисида "Экология ва жамоат тартибини сақлаш соҳаларидаги қонунчилик такомиллаштириш бўйича муносабат билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун кўриб чиқилди.

Сенаторлар томонидан муҳокама қилинган ушбу қонун билан экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ҳуқуқбузарликлар содир этган айбдор шахсларни маъмурий жавобгарликка тортиш учун Ички ишлар ва Миллий гвардия органларига зарур ваколатлар берилишини назарда тутувчи ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Ички ишлар ва Миллий гвардия органларига Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексда белгиланган экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги 7 та моддада назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тегишлилиги белгиланмоқда.

Ушбу ишларни кўриб

чиқишга ҳамда жарима таъриқасидаги маъмурий жазо қўллашга ҳақли бўлган мансабдор шахслар, шунингдек, Ички ишлар ва Миллий гвардия органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани тузишга ҳақли бўлган ушбу органлар тузилмаларининг мансабдор шахслари белгиланмоқда.

Шу билан бирга Ички ишлар ва Миллий гвардия органлари мансабдор шахсларига экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги муҳим ҳуқуқбузарликларни содир этган шахсларни маъмурий йўл билан ушлаб туриш ваколати берилмоқда.

Сенаторлар мазкур ўзгариш ва қўшимчалар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчиликнинг сўзсиз ижро этилишини, шунингдек, ушбу соҳадаги ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини самарали ташкил этишда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Ушбу қонун давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг экологик ҳуқуқларининг самарали ҳимоя этилишини таъминлашда, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш фаолияти устидан самарали назоратни ўрнатилмоқда алоҳида эътиборга молиқ ҳисобланади.

Шунингдек, қонуннинг қабул қилиниши табиий ресурсларни, яъни сув объектларига оқова сувларни оқизиш, ерусти сувларини, атмосфера ҳавосини ҳамда атроф-муҳитни чиқиндилар билан ифлослантириш ҳолатларини келтириб чиқарувчи объект ёки субъектларга нисбатан тезкор чоралар кўрилишини таъминлашга хизмат қилиши кайд этилди.

Муҳокама якунида қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қирқ биринчи ялпи мажлисининг биринчи иш куни якунланди.

**Ўзбекистон
Республикаси Олий
Мажлиси Сенати
Ахборот хизмати**

Бугунги фан-техника ақлбавар қилмайдиган даражада ривожланаётган даврда биргина "Телеграмм" ботлари турли хил мураккаб вазифаларни тез ва аниқ бажарадиган дастур сифатида дунё миқёсида оммалашиб кетди.

Молиявий операциялар, банк ҳисобларини текшириш, маркетинг, бизнесдан тортиб, маҳсулот ёки хизматларни реклама қилиш, турли сўровномалар ўтказиш, кўнгилочар ўйинлар ташкил этиш, мусиқа ва фильмларни юклаб олишда "Телеграмм" ботлари жараёнларни соддалаштириш, сарфланадиган вақтни қисқартириш имконини бермоқда.

Афсуски, бир яхшининг бир ёмони бўлгани каби "Телеграмм" мессенжерда бот яратиш, гўёки хайрли мақсад ниқоби остида ўзгалар бойлигини алдош йўли билан кўлга киритишга уринаётган фирибгарлар ҳам учраб

туради.

Қибрай туманида яшовчи Азиз Раҳматов (исм-шарифлар ўзгаририлган) маҳалладоши Сардор Ғаниев билан 2022 йилнинг август ойида "Телеграмм" мессенжерда "M.Amerika yor-yor production" канали фаолиятини йўлга қўяди. Улар эркак ва аёлларни сурат орқали таништириб, агар бир-бирига ёқса, учраштириб, никоҳдан ўтказиш ҳақида эълон беришади.

"M.Amerika yor-yor production" канал боти ишга тушганидан хабар топган самарқандлик Раҳима Иноятова кўрсатилган профилга кўнгилроқ



қилади ва гўшақни кўтарган А.Раҳматовга қизини хорижда яшайдиган йигитга турмушга бериш нияти борлигини айтади.

– Жуда тўғри қиласиз, – дейди А.Раҳматов. – хориждан куёв топсангиз, қизингиз бахтли яшайди. Биз қизингизга хорижлик куёв топиб берамиз. Уларни никоҳдан ўтказиб, ҳеч бир тўсиқсиз хорижга жўнатамиз...

Шундан сўнг А.Раҳматов Р.Иноятова ва қизининг фуқаролик паспорти нусхасини сўраб олади, сўнг унга Юнусобод туманида жойлашган савдо маркази ёнидаги офисга келиши кераклигини айтади.

Р.Иноятова ўтган йилнинг 1 сентябрь куни айтилган манзилга боради уни А.Раҳматов билан С.Ғаниев кутиб олади. Улар турмуш қурмаган ёшларни ўзлари яратган лойиҳа орқали хорижий давлатларда яшовчи мигрантлар билан таништириб, агар бир-бирига мос тушса, никоҳ тузишга ёрдам беришни маълум қилишади.

Р.Иноятова уларнинг гапига чиппа-чин ишонади. Илк учрашувдаёқ А.Раҳматов Р.Иноятовадан "ҳаражатлари учун", деган ваз билан бир мил-

лион 750 минг сўм олади.

– Кейинроқ ўзимиз уйингизга бориб, шароитингизни ўрганамиз. Чунки куёвликка номзоднинг талаби шундай, – дейди А.Раҳматов.

Эртаси куни А.Раҳматов Р.Иноятовага кўнгилроқ қилиб, Самарқандга бориш харажатлари учун бир миллион сўмни пластик картасига ўтказиб бериши кераклигини айтади. Р.Иноятова "пайнет" тизими орқали А.Раҳматовнинг укаси Сарварнинг номига очилган пластик картага ушбу миқдордаги пулни ўтказиб беради.

Шундан сўнг орадан олти кун ўтгач, А.Раҳматов билан С.Ғаниев Р.Иноятованинг хонадонига боришади. Қуюқ меҳмондорчилик чоғида А.Раҳматов хонадон бекасидан қизини хорижда ишловчи йигит билан таништириб, уларни никоҳдан ўтказиш учун яна 670 АҚШ долларлари бериш зарурлигини айтади. Иши осон битаётганидан хурсанд бўлган Р.Иноятова қўшниси Ф.Ҳужаёрованинг гувоҳлигида А.Раҳматовнинг қўлига 670 АҚШ долларини тутқазди. Бироқ тез орада уларнинг режаси бузилади. Чунки қиз хорижлик куёвга турмушга чиқишга рози бўлмади.

Жиноятга жазо муқаррар!

Сохта

Моҳият

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилган ўзгартиришлар

юртимизда ўсимлик дунёсининг янада ишончли муҳофазаси қилиниши ва яшил ҳудудларнинг кенгайишига хизмат қилади



◀ (Бошланиши 1-бетда)

Олий Мажлис Сенатининг қирқинчи ялли мажлисида “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун ҳам экология тизими фаолиятини тартибга солиш бўйича амалга оширилаётган ишларнинг узвий давомидир.

Бинобарин, юртимизда экологик масалаларга муносабат тубдан ўзгариб, уни бошқариш ва тартибга солиш қонунчилик базаси такомиллаштирилмоқда. Янгича экологик тафаккур, экологик дунёқараш шаклланиб, аҳолининг экологик маданияти юксалмоқда.

Кейинги йилларда аҳоли пунктларини кўкаламзорлаштириш, дарахт ва буталарни муҳофазаси қилиш ҳамда яшил майдонларни кенгайтириш, уларни сақлаб қолиш борасида тизимли чоралар кўриломоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2019 йил 30 октябрдаги Фармонида асосан ўрмон фондига кирмайдиган дарахт ва буталар қимматбаҳо навларининг келишига мораторий эълон қилинди. Ўз навбатида, Президентимизнинг 2021 йил 30 декабрдаги Фармони билан ушбу мораторийнинг амал қилиши муддатсиз даврга узайтирилди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бошланган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси жамоатчилик томонидан кенг қўллаб-қувватланган ҳолда йилга 200 миллион туп кўчат экилмоқда. Биргина 2022

йилда 588,4 гектар майдонда “Яшил боғлар”, 662,3 гектар майдонда “Яшил жамоат парклари” барпо этилди.

Яшилликни биосфера учун қанчалик аҳамиятга эга экани барчамизга маълум. Мисол учун 1 та етук дарахт йилига ўртача 120 килограмм кислород ишлаб чиқаради ва бу 3 нафар инсонни йил бўйи кислород билан таъминлашга етар экан.

Бироқ дарахтлар кесилишининг олдини олиш мақсадида мораторий жорий этилишига, уларни асраш, парварилашга қаратилган чора-тадбирларга қарама-дан, айрим жисмоний ва юридик шахслар томонидан ўсимлик дунёсига зиён етказилаётгани ташвиш уйғотмай қолмайди. Жумладан, дарахтларни ноқонуний кесиш билан боғлиқ ҳолатлар экологик вазиятнинг кескинлашишига ва жамоатчиликнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Маълумот ўрнида қайд этиш жоизки, 2022 йилда 7 минг 812 туп (шундан 3 минг 428 туп қимматбаҳо), 2021 йилда 8 минг 243 туп (шундан 4 минг 182 туп қимматбаҳо) дарахтларнинг ноқонуний кесилиши ҳолатлари аниқланган. 2022 йилда дарахтлар кесилиши билан боғлиқ 4 минг 599 та ҳуқуқбузарлик аниқланиб, 7,3 миллиард сўм маъмурий жарима ва 10 миллиард сўм зарар белгиланган.

Бундан ташқари ишлаб чиқариш, қурилиш ва урбанизация кўламининг жадал кенгайиши экологик салбий босимни камайтириш механизmlарини такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Мисол учун 2021 йилда биргина Тошкент шаҳридаги 289 та қурилиш объекти ҳудудда 4 минг 429 туп дарахт қаровсиз қолгани, 80 туп дарахт қуригани ва касаллангани аниқланган. 2022 йилда дарахтларнинг қуриб қолиш ҳолати 103 тани

ташқил этган.

Бу каби рақам ва дарахтларга зиён етказишнинг турли кўринишлари билан боғлиқ бошқа салбий ҳолатлар мазкур соҳада қонунчиликни янада такомиллаштиришни, юридик ва жисмоний шахсларнинг жавобгарлигини оширишни талаб этмоқда.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 4 та моддасида ноқонуний дарахт кесганлик ёки кундаков қилганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланган. Аммо ушбу моддаларда бир хил маъмурий ҳуқуқбузарлик учун турли миқдордаги маъмурий жарималар белгиланган ва номутаносиблик мавжуд бўлиб, уни бартараф этиш эҳтиёжи мавжуд.

Бундан ташқари амалдаги қонунчиликда дарахтлар ва буталарнинг қимматбаҳо навларини кесиш, кундаков қилиш, шикастлантириш, йўқ қилинишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган қурилиш лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаганлик учун ҳеч қандай жавобгарлик белгиланмаган.

Шу муносабат билан сенаторлар томонидан маъқулланган янги қонун асосида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга бир қатор муҳим ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Биринчидан, дарахтлар ва буталар қимматбаҳо навларини кесиш, кундаков қилиш, шикастлантириш, йўқ қилинишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган қурилиш лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаганлик учун жавобгарлик белгиланмоқда.

Иккинчидан, дарахтларни, буталарни, бошқа ўсимлик ва ниҳолларни қонунга хилоф равишда кесиш, кундаков қилиш, шикастлантириш, йўқ қилиш ёки бошқа жойга кўчириб ўтказиш учун белгиланган жарима миқдори:

- фуқароларга базавий ҳи-

соблаш миқдорининг 10 бараваридан 15 бараваригача (амалда 5 бараваридан 10 бараваригача);

- мансабдор шахсларга эса, 15 бараваридан 20 бараваригача (амалда 10 бараваридан 15 бараваригача) этиб белгиланмоқда.

Учинчидан, худди шундай ҳуқуқбузарликларни маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этганлик учун жарима миқдори:

фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 бараваридан 25 бараваригача (амалда 10 бараваридан 20 бараваригача);

мансабдор шахсларга 25 бараваридан 35 бараваригача (амалда 20 бараваридан 30 бараваригача) этиб белгиланмоқда.

Шунингдек, бундай ҳуқуқбузарлик учун ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоқ жазоси кўзда тутилмоқда.

Яна бир муҳим янгилик: Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 79-моддасида дарахтлар, буталар, бошқа ўсимликлар ва ниҳолларни қонунга хилоф равишда кесиш, кундаков қилиш, шикастлантириш, йўқ қилиш ёки бошқа жойга кўчириб ўтказишга оид норма мавжуд. Шу сабабли ушбу Кодекснинг 77-моддаси биринчи қисми, 113-моддаси биринчи қисми ва 148-моддасининг диспозицияларидан ноқонуний дарахт кесганлик ёки кундаков қилганлик учун маъмурий жавобгарлик қисми чиқарилиб ташланмоқда ва бир турдаги маъмурий ҳуқуқбузарликка нисбатан битта моддада бир хил жавобгарлик белгиланмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, янги таҳрирдаги Конституцияда давлат фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлаш ва атроф-муҳитга зарарли таъсир кўрсатилишига

йўл қўймаслик мақсадида шаҳарсозлик фаолияти соҳасида жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиши белгиланди.

Чунки сўнги йилларда мамлакатимиз улкан қурилиш майдонига айланиб бормоқда. Бундай шароитда фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлаш, қурилишларнинг табиатга зарарли таъсирига йўл қўймаслик мақсадида шаҳарсозлик фаолияти соҳасида жамоатчилик назоратини кучайтириш чоралари кўрилиши табиийдир.

Асосий қонунимиздаги янги норма жамоатчилик назоратини кенгайтириш орқали кўла ва экологик тоза ҳудудни сақлаб қолиш, аҳолининг саломатлигини ишончли муҳофазаси этиш, уларнинг яшаши ва ривожланиши учун қулай атроф-муҳитни таъминлашнинг конституциявий кафолатларини кучайтиради.

Хулоса қилиб айтганда, “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун:

биринчидан, юртимизда ўсимлик дунёсининг янада ишончли муҳофазаси қилиниши ва яшил ҳудудларнинг кенгайишига;

иккинчидан, юридик ва жисмоний шахслар томонидан дарахтларни ноқонуний кесиш каби ҳолатларнинг олдини олиш ҳамда уларнинг шахсий жавобгарлиги ҳамда масъулиятини оширишга;

учинчидан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва давлат экологик назоратининг самарали ташқил этилишига имкон беради.

Борий АЛИХАНОВ,
Олий Мажлис Сенати Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология кўмитаси раиси

Жамиятимиз мақсади

СУДЛАР МУСТАҚИЛЛИГИ кафолатларини кучайтириш одил судловнинг муҳим мезони



◀ (Бошланиши 1-бетда)

Шу даврда Конституциямизга киритилган ўзгартиришларнинг учтаси айнан суд тизимини такомиллаштириш ва судлар мустақиллигини таъминлашга қаратилган.

Айтиш керакки, умумхалқ референдуми асосида қабул қилинган янги таҳрирдаги Асосий қонунимизда одил судлов тизими мустақиллигини янада мустаҳкамлашга қаратилган янги қоидалар ўрин олгани суд тизимидаги ислохотларни том маънода янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади. Хусусан, янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 136-моддаси биринчи қисмига судьялар муайян ишлар бўйича ҳисобдор бўлмаслиги ҳақидаги қоида киритилди. Бу суд мустақиллигини таъминлаши билан бирга ҳар қандай ҳолатда ҳам қонуний қарор қабул қилишга мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор ҳисобланади. Шу модданинг 3-қисмига киритилган “Давлат судья ва унинг оила аъзолари хавфсизлигини таъминлайди”, деган қоида ҳам одил судлов мустақиллигининг ҳуқуқий кафолатидир.

Суд амалиёти шунинг кўрсатмоқдаки, ўз фаолиятини амалга оширишда судьялар ва уларнинг оила аъзолари учун жиддий хавфлар ҳам тугилиши мумкин. Хусусан, мураккаб тоифадаги жиноят ишлари-нинг судларда кўрилишига судьялар ва уларнинг яқинлари хавфсизлигини таъминлаш масаласи янада жиддийлашди. Бундай вазиятда судья ва унинг оила аъзолари хавфсизлигининг тўлиқ таъминлини иш бўйича адолатли қарор қабул қилиниши, жиноят учун жазонинг муқаррарлиги таъминлинишига хизмат қилади.

Бундан ташқари янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 136-моддаси тўртинчи қисмида “Судьяни муайян ишнинг муҳокамасидан четлаштиришга, унинг ваколатларини бекор қилишга ёки тўхтатиб туришга, бошқа лавозимга ўтказишга фақат қонунда белгиланган тартибда ва асосларга кўра йўл қўйилади. Суднинг қайта ташқил этилиши ёки тугатилиши судья ни лавозимдан озод этиш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин эмас”, деган қоида қайд этилган.

Ўрни келганда шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, мамлакатимизда судьялар мустақиллигини таъминловчи муҳим қадам сифатида судья лавозимига бўлишнинг биринчи мартаба беш йиллик, навбатдаги ўн йиллик ва муддатсиз даври белгиланган. Шу билан бирга, судьялар ўз ваколати муддатида алмаштирилмаслиги уларнинг одил судловни амалга оширишда мустақил ва холис бўлиши кафолати ҳисобланади.

Ушбу кафолат одил судлов мустақиллигига оид деярли барча халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган. Жумладан, 1985 йилда қабул қилинган Суд ҳокимияти мустақиллиги асосий принципларининг 11- ва 12-бандлари ҳамда 1998 йилда қабул қилинган “Судьялар мақоми тўғрисида”ги Европа хартияси 3-бўлимидagi судьяларнинг алмаштирилмаслигига доир қоидалар мустақил одил судловни таъминлашда энг асосий мезон ҳисобланади.

Ушбу конституциявий меъёр билан одил судловни амалга ошириш жараёнида судьяларнинг мустақиллиги янада кафолатли таъминланади. Судья ўз ваколат муддати давомида алмаштирилмаслиги туфайли ҳар қандай ташқи ва ички идоравий таъсирлардан холи, мустақил ва ишонч билан фаолият юритади.

Бундан ташқари ушбу қоида доирасида судьянинг ваколатлари қонунда белгиланган тартиб ва асослардан бошқача тарзда тугатилиши ёки тўхтатиб турилиши мумкин эмаслиги кафолатланади. Бунинг натижасида судьянинг ўзи розилигисиз бошқа лавозим ёки судга ўтказилиши мумкин эмаслиги, судьялар фаолиятини аралаштириш, таъин қилиш, асоссиз фаолиятини тўхтатиш ёки тугатиш каби ҳолатларга барҳам бериш механизми жорий этилади. Бундай конституциявий қоидалар ривожланган хорижий давлатлар, хусусан, Испания, Хорватия, Португалия, Греция каби давлатлар Конституциясида ҳам белгилаб қўйилган.

Хуллас, янги таҳрирдаги Конституциямизда кафолатланган суд тизимига оид янги қоидалар судьялар мустақиллигини таъминлаб, пировардидан одил судлов сифатининг ошишига хизмат қилади.

Ўрни келганда шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, мамлакатимизда судьялар мус-

тақиллигини таъминловчи муҳим қадам сифатида судья лавозимига бўлишнинг биринчи мартаба беш йиллик, навбатдаги ўн йиллик ва муддатсиз даври белгиланган. Шу билан бирга, судьялар ўз ваколати муддатида алмаштирилмаслиги уларнинг одил судловни амалга оширишда мустақил ва холис бўлиши кафолати ҳисобланади.

Ушбу кафолат одил судлов мустақиллигига оид деярли барча халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган. Жумладан, 1985 йилда қабул қилинган Суд ҳокимияти мустақиллиги асосий принципларининг 11- ва 12-бандлари ҳамда 1998 йилда қабул қилинган “Судьялар мақоми тўғрисида”ги Европа хартияси 3-бўлимидagi судьяларнинг алмаштирилмаслигига доир қоидалар мустақил одил судловни таъминлашда энг асосий мезон ҳисобланади.

Ушбу конституциявий меъёр билан одил судловни амалга ошириш жараёнида судьяларнинг мустақиллиги янада кафолатли таъминланади. Судья ўз ваколат муддати давомида алмаштирилмаслиги туфайли ҳар қандай ташқи ва ички идоравий таъсирлардан холи, мустақил ва ишонч билан фаолият юритади.

Бундан ташқари ушбу қоида доирасида судьянинг ваколатлари қонунда белгиланган тартиб ва асослардан бошқача тарзда тугатилиши ёки тўхтатиб турилиши мумкин эмаслиги кафолатланади. Бунинг натижасида судьянинг ўзи розилигисиз бошқа лавозим ёки судга ўтказилиши мумкин эмаслиги, судьялар фаолиятини аралаштириш, таъин қилиш, асоссиз фаолиятини тўхтатиш ёки тугатиш каби ҳолатларга барҳам бериш механизми жорий этилади. Бундай конституциявий қоидалар ривожланган хорижий давлатлар, хусусан, Испания, Хорватия, Португалия, Греция каби давлатлар Конституциясида ҳам белгилаб қўйилган.

Хуллас, янги таҳрирдаги Конституциямизда кафолатланган суд тизимига оид янги қоидалар судьялар мустақиллигини таъминлаб, пировардидан одил судлов сифатининг ошишига хизмат қилади.

Элбекжон ТУРҒУНБОЕВ,
Тошкент шаҳар суди судьяси

“СОВЧИ” ЛИК

ёки миллий қадриятни унутиш оқибати

Шу боис Р.Иноятова ҳамтоволардан 2 миллион 750 минг сўм ва 670 АҚШ долларини қайтариб беришни талаб қилади. Аммо улар турли баҳоналарни рўқач қилиб, пулни қайтариб беришмайди. Охир-оқибатда Р.Иноятова фирибгарларга қонуний чора кўришни сўраб, ички ишлар идорасига ариза билан мурожаат қилади.

Яқинда А.Раҳматов ва С.Ғаниевга нисбатан кўзғатилган жиноят иши суд мажлисида кўриб чиқилди. Суд муҳокамасида А.Раҳматов ва С.Ғаниев олдиндан ўзаро жиноий тил бириктириб, “Телеграмм” мессенжердаги “M.Amerika uog-uog production” боти орқали турмуш қурмаган шахсларни хорижий давлатда яшовчи мигрантлар билан таништириб, никоҳ тузишга ёрдам бериш баҳонасида Р.Иноятовани чув туширишгани аён бўлди. Улар Р.Иноятованинг қизини шу йўл билан хорижга юборишга ваъда бериб, 2 миллион 750 минг сўм ва 670 АҚШ долларини фирибгарлик



йўли билан кўлга киритиб, ўзларининг шахсий манфаатларига сарфлаб юборишган.

Судда фирибгарлар жабрланувчи Р.Иноятова фақат пластик картага бир миллион сўм ўтказганини тан олиб, биринчи учрашувда бир миллион 750 минг сўм, 6 сентябрь куни Самарқандда қўшни аёл гувоҳлигида олган 670 АҚШ долларини олганини рад этишди. Аммо уларнинг ушбу вазлари гувоҳларнинг кўрсатмалари ва бошқа далиллар асосида ўз исботини топмади. Суд жараёнида Сардор Ғаниевнинг отаси жабрланувчига 2 миллион 750 минг сўм ва 670 АҚШ долларини қайтариб берди.


Суд А.Раҳматов ва С.Ғаниевни Жиноят кодексининг 168-моддаси 2-қисми “б” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топиб, уларга қилмишларига яраша қонуний жазо тайинлади.

Бундан ташқари жабрланувчи Р.Иноятова Тошкент шаҳрига бир неча мартаба қатнаб, маънавий зарар кўргани учун суд А.Раҳматов ва С.Ғаниевдан солидар тартибда 3 миллион сўм маънавий зарар ундиришни ҳам лозим топди.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, аслида оила ва никоҳ муқаддас бўлиб, унга енгил-елпи ёндошиб бўлмайди. Шу сабабли хориждан бой-бадавлат

кўв ахтариш калтабинликдан бошқа нарса эмас. Бойлик орттириш ниятида турмуш қуришга уринишни эса, ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Бу қонунга ҳам, миллий қадриятларимизга ҳам зиддир. Бинобарин, жабрланувчининг фирибгар кимсаларнинг ёлғон ваъдасига ишониб, хориждан кўв қилиш истаги сароб экани шу тарзда исботланди. Баён этилган воқеа тафсилоти бошқалар учун сабоқ вазифасини ўтаса, ажаб эмас.

Зайниддин ТўРАЕВ,
жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар суди судьяси
Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
“Куч - адолатда” мухбири



Тарих тилсимлари



АЛИ ҚУШЧИНИНГ СИРЛИ КУТУБХОНАСИ

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Унинг отаси Амир Темур қароргоҳи бошлиғи вази-фасида хизмат қилган. Улуғбек саройида қарчиғайлар боққан учун унга «Қушчи» тахаллуси берилган. Али Қушчи дастлаб Самарқандда Қозизода Румийдан тахсил олади. Кейин эса, билимини янада ошириш мақсадида 1414 йилда Эроннинг Қирмон шаҳрига боради ва мадрасада 3 йил табиий фанлар, хусусан, фалакиёт, риёзиётни пухта ўрганади.

1417 йил Самарқандга қайтган, Али Қушчи Улуғбек мадрасасида ҳам таълим олишни давом эттиради. Бу ерда у Қозизода Румий ва Ғиёсиддин Қошийдан илм сирларини ўрганади. Мадрасани битиргач, фалакиёт ва риёзиёт бўйича талабаларга сабоқ беради. Илмий ишлар билан шугулланиб, «Ҳисоб рисоласи», «Астрономия рисоласи» асарларини ёзади ва илм аҳли орасида катта обрў

қозонади. Бундан ташқари Али Қушчи ноёб қўлёзмаларни жамлаб, улкан кутубхона ҳам барпо этади.

1428 йил Мирзо Улуғбек расадхонаси ишга туширилгач, бу ерда Улуғбек раҳбарлигида илмий кузатувлар олиб боради. Мирзо Улуғбекнинг «Зижи жадиди Кўраго-



ний» асари ёзилишида Али Қушчининг ҳам хиссаси катта бўлган. 1438 йилда Мирзо Улуғбек Али Қушчини Хитойга

элчи қилиб юборади. Хитойдан қайтиб келгач, Али Қушчи машҳур «Математика ва астрономик жуғрофия» асарини ёзади.

Мирзо Улуғбек вафотидан сўнг унинг Самарқанддаги машҳур кутубхонаси хавф остида қолади. Айрим манбаларда Али Қушчи кутуб-



хонани сақлаб қолган, деган тахминлар ҳам билдирилган. Хусусан, кутубхонадаги китобларнинг кўп қисмини Али

Қушчи Самарқанд яқинидаги Ҳазрати Башир қишлоғига олиб бориб яширган, деган маълумот ҳам бор. Лекин бунинг қанчалик ҳақиқат экани номаълум.

Таъқиблардан қочиб, Самарқанддан чиқиб кетишга мажбур бўлган Али Қушчи 1465 йилда Туркиянинг Истанбул шаҳрига борган. Уша пайтдаги турк султони Муҳаммад II тараққийпарвар шахс бўлиб, ўз атрофига таниқли олим ва шоирларни тўплаган. Али Қушчининг доврғини эшитган султон уни саройга хизматга таклиф қилади ва олимларга раҳбар қилиб тайинлайди. Али Қушчи олимлар, файласуф ва шоирлар билан биргаликда санъат ва илмий ишларни тараққий эттиришга интилади. Ўзи риёзиёт, фалакиёт, фалсафа, мантик, адабиёт, мусиқа ва бошқа соҳаларга оид кўплаб асарлар яратади.

Ҳозирги пайтда Али Қушчининг 20 дан ортиқ ноёб илмий

асарлари сақланиб қолган. Айниқса, унинг «Улуғбек жижига шарҳ» асари астрономия тарихида катта аҳамиятга эга. У «Зижи» геометрик теоремалар ёрдамида шарҳлаган. Али Қушчи асарларининг аксарияти Туркиядаги Аё-Сўфий мадрасаси кутубхонасида сақланмоқда. Бундан ташқари Тошкент Шарқшунослик институти, Душанбе, Санкт-Петербург, Машҳад, Истанбул, Оксфорд, Лейден (Нидерландия) кутубхоналарида ҳам Али Қушчи асарлари қўлёзмалари мавжуд. Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, буюк олим Али Қушчидан халқимизга астрономия, математика, география, геометрия, фалсафа ва тарихга оид ноёб асарлар мерос бўлиб қолган. Уларнинг илмий асосда ўрганиш ва тарғиб қилиш олим ва мутахассисларимиз зиммасидаги масъулиятли вазифадир.

Бобомурод РАЙИМОВ
Интернет материаллари асосида тайёрлади

Қизиқарли фактлар

1981 йилда Узоқ Шарқда йўловчи самолёти ҳарбий самолёт билан тўқнашиши оқибатида икки самолёт ерга қулаб тушиб, портлаб кетади. Ушбу авиоҳалокатда биргина аёл мўъжиза туйғайли тирик қолади. Қуйида ана шу ғаройиб ҳодиса ҳақида ҳикоя қиламиз.

АВИАҲАЛОКАТДАН ТИРИК ҚОЛГАН АЁЛ



1981 йил 24 августда эндигина турмуш қурган Лариса Савицкая турмуш ўртоғи билан самолётда тўй саёҳатидан уйига қайтишга ётган эди. Самолёт осмонга кўтарилгандан сўнг бироз вақт ўтгач, унга нимадир зарб билан урилади ва қулай бошлайди. Ҳалокат содир бўлган пайтда Лариса ухлаётган эди. У кучли зарбадан уйғониб кетади. Бу пайтда самолётнинг бир қисми узилиб тушган ва салондаги 30 даражадаги иссиқ 30 даражали совуқ билан алмашган эди. Шу пайтда Ларисанинг эсига италиялик киножодкорлар суратга олган «Мўъжиза» фильми давом этади» фильми тушади. Фильм қахрамони бўлган 17 ёшли қиз самолёт ҳалокатга учраган пайтда ўриндиқлар орасига кириб олади ва тирик қолади. Лариса ҳам самолёт қулаб тушаётганда фильм қахрамони сингари иш тутади. У тезда самолётнинг ўрта қисмига қараб юради ва бўш ўриндиқлардан бирига ўтиради. Сўнгра уни ҳимоя қилиш мақсадида юмшоқ ўриндиқ суянигини ўзига босади. Қулаб тушиб пайтда самолёт бир неча бўлақларга бўлиниб кетади. Лариса ўтирган бўлақ қалин қайинзор устига тушади. Дарахтлар самолёт бўлаги ерга жуда қаттиқ зарб билан урилишидан сақлаб қолади. Бу унинг жонига оро қиради.

Бир неча жойидан оғир жароҳат олган аёл самолёт бўлақлари ҳамда ўриндиқ қопламаларидан ўзига кичик бошпана ясаб, ёмғирли совуқ ҳавода жон сақлайди. Ҳалокат содир бўлган жой узоқ тайга ўрмонларида бўлгани учун қўтқарувчилар самолётлар қулаб тушган жойга бир кеча-кундузда етиб боришади. Улар икки кундан сўнг самолёт бўлақлари орасидан тирик қолган аёлни топишга муваффақ бўлишади. Бирон-та тиши қолмаган, умуртқа поғонаси ва қўл-оёғи бир неча жойдан синган, мияси чайқалган Лариса узоқ дарокандаликка юз тулган бу оилани ўз ҳолига ташлаб қўйишган. Таассуфки, Гулбаҳор шу тариқа эътиборсизлик ва лоқайдлик қурбонига айланган.

Бу каби мудҳиш ҳодисалар тақрорланмаслиги учун наинки тегишли идоралар, балки кенг жамоатчилик ҳам оғоҳ бўлиши шарт. Зеро, жамиятда ҳар бир инсон ҳаёти бир-бирига чамбарчас боғлиқдир.

Абулқосим РЎЗИҚУЛОВ,
Сурхондарё вилояти суди раиси
Абдунаби БОБОЁРОВ,
«Куч - адолатда» муҳбири

яқинларига ҳодиса ҳақида ҳеч қаерда гапирмаслик ва дафн маросимини ими-жи-мида ўтказиш бўйича топшириқ беради. Акс ҳолда жиноий жавобгарликка тортилишлари мумкинлигини айтиб, таҳдид қилишади. Улар Лариса ва унинг ота-онасига ҳам шундай талабни қўйишади.

Ҳалокат содир бўлгандан сўнг уни ўрганиш учун комиссия тўзилади. Ўрганиш давомида ҳарбий самолётларнинг парвозларини назорат қилиши лозим бўлган диспетчерлар йўналиши белгилашда хатога йўл қўйгани аниқланади. Бундан ташқари Узоқ Шарқда жойлашган аэропорт ва аэродромларда ўзаро маълумот алмашиш қониқарсиз бўлгани оқибатда фуқаро авиацияси ҳамда ҳарбий самолётлар парвози вақтида турли англашилмовчиликлар юзга келгани маълум бўлади. Чунки айнан ҳалокат содир бўлган куни ҳам ўзаро маълумот алмашилмагани учун ҳарбий диспетчер ва учувчилар йўловчи самолётнинг парвози ҳақида умуман маълумотга эга бўлмаган.

Гарчи суриштирувлар давомида камчиликка йўл қўйганларнинг кимлиги аниқланган бўлса-да, ҳеч ким жазоланмади. Лариса ўшанда самолёт нега қулаб тушганини 2000-йиллар бошида билишга муваффақ бўлади. Собиқ иттифоқ парчалангандан сўнг Лариса бирданига оммавий ахборот воситалари учун бош қахрамонга айланади. 1990-йиллар бошида бир неча телеканаллар ундан интервью олишади. Ана шу кўрсатувлардан сўнг Ларисанинг ҳалокатдан кейин оғир ҳаёт кечираётгани ҳақида хабар топган одамлар унга ёрдам беришади.

Лариса Савицкая дунё бўйича 5 минг метрдан қулаб тирик қолган ва авиоҳалокатдан энг кам миқдордаги 75 рубл товон пули олган инсон сифатида «Гиннесснинг рекордлар китоби»га киритилган. 2020 йилда ҳаёти ҳақида бадиий фильм суратга олина бошланганда фильм режиссёри Ларисани суратга олиш жараёнига маслаҳатчи сифатида таклиф этади. 2022 йилда катта экранларга чиқарилган «Ёлғиз» деб номланган фильми томошабинлар илиқ кутиб олишди. Айни кунларда 62 ёшли Лариса Савицкая оиласи билан тинч-хотиржам яшамоқда.

Интернет материаллари асосида Хумоюн МИРЗО тайёрлади.

Жиноят ва жазо

ЛОҚАЙДЛИК
ФОЖИАСИ

Маълумки, ҳаётда ҳеч ким ондан жиноятчи бўлиб тугилмайди. Бироқ оиладаги носоглом муҳит, қолаверса, атрофдаги тарбияси ноқис кимсаларнинг таъсири кишини тўғри йўлдан оздириши мумкин. Шерободлик Лутфулла Ортиқов (исм-шарифлар ўзгартирилган) ҳам худди шундай муҳитда ўсиб-улғайди. Ҳали ўқувчилик давридаёқ безори болаларга қўшилиб, жиноят кўчасига кирди. Бунинг оқибатида у қонуний жазога тортилди. Аммо «ўрганган кўнгил ўртанса қўймас» деганларидек, вояга етиб, мустақил ҳаётга қадам қўйгач ҳам онгу шуурига сингиб кетган иллатлардан халос бўлолмади. Бир неча марта жиноий қилмишга қўл уриб, қамоқ жазосини ўтади.

Бу орада Лутфулла оилали, беш нафар фарзанднинг отаси бўлди. Аммо ношуд отанинг кирдикорларидан безган қўйи бир амаллаб оёққа турган фарзандлар ўз кунини кўра бошлади. Жожил эрининг зуғумлари туйғайли хотини ҳам дунёдан бевақт кўз юмди.

Лутфулла умр йўлдоши вафот этгач, орадан кўп ўтмай Гулбаҳор исми аёлга шаърий никоҳ асосида уйланди. Аёлнинг ногирон фарзанди бор эди. Аёл боласининг кейинги ҳаётини ўйлаб турмуш қуришга розилик берганди, аммо у орадан бир-икки ой ўтгач, адашганини англаб етди. Чунки Л.Ортиқов аёлни юзинг-кўзинг демай, хиёнат қилганликда айблаб, унга зуғум ўткази бошлади.

Фожа рўй берган куни ҳам хўрмачаси тўлганча ичиб, маст бўлган Лутфулла ҳеч бир сабабсиз ўзи мустақил ҳаракатлана олмайдиган Абдорнинг кўз ўнгига онасини шафқатсизлик билан калтаклайди. Аёл одамийлик қиёфасини буткул йўқотган эрининг чангалидан кутулишга нечоғлик ҳаракат қилмасин, бунга имкон тополмайди. Устига-устак Лутфулла кўлига тушган ёғоч даста-

ли ўткир теша билан Гулбаҳорнинг оёқ-қўлларига аёвсиз уради.

Бу хунрезлик оқибатида кўп қон йўқотган аёл ҳаётдан кўз юмади. Мудҳиш қотиллик содир этган Лутфулла ҳуши ўзига келгач, азбаройи кўркувга тушганидан ички ишлар бўлимига хабар беради.

Айтиш жоизки, Олий суд Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасдан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори 8-бандида «айбдорнинг ҳаракатларини Жиноят кодексининг 97-моддаси иккинчи қисми «в» банди билан квалификация қилишда, ожиз аҳвол, деб жабрланувчининг физиологик, жисмоний ёки руҳий жиҳатдан (жисмоний нуқсонлари, руҳияти бузилганлиги, жуда ёш ёки кексаллиги, қаттиқ оғрик ёки беҳуш ҳолатда ёхуд уйқуда бўлганлиги, алкоголь, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп ёхуд кишининг ақл-идроқига таъсир қилувчи бошқа кучли таъсир қилувчи моддалар таъсирида оғир даражада мастлиги туйғайли) ўзини ҳимоя қилишга, айбдорга фаол қаршилиқ кўрсатишга қодир эмаслик ёки ўзига нисбатан

содир этилаётган ҳаракатларнинг хусусияти ва моҳиятини тушуна олмаслик ёхуд ўз ҳаракатларини бошқара олмаслик ҳолати тушунилиши керак. Бунда айбдор жабрланувчи ожиз аҳволда эканлигини англаган бўлиши шарт.

Жабрланувчининг алкоғолли ичимлик, гиёҳвандлик воситаси ёки психотроп модда таъсирида атрофдаги вазиятни англай олмайдиган даражада мастлиги, унинг ожиз аҳволда бўлган, деб тан олиншига асос бўлиши мумкин. Бунда жабрланувчини ким бу аҳволга солганлиги аҳамиятга эга эмас»лиги қайд этилган.

Судлов ҳаёти қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда судланувчининг жиноий қилмишига ҳуқуқий баҳо бериб, ўринсиз рашх туйғайли ўз умр йўлдошининг қотилига айланган Л.Ортиқовга нисбатан узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлади.

Албатта, бу дунёда ҳар қандай қилмиш жазосиз қолмайди. Бироқ шу ўринда айрим мулоҳазаларни ҳам айтиб ўтиш зарур. Гап шундаки, бир неча бор озодликдан маҳрум

этилиб, хавфли рецидивист сифатида ҳуқуқ-тартибот идоралари рўйхатида турган Л.Ортиқовнинг кейинги ҳаёт тарзи масъул ҳодимларнинг эътиборидан четда қолган. Қолаверса, маҳалла-қўй, участка нозирлари, қариндошлар, қўни-қўшнилар мутасил равишда ичкиликбозлик балосига мубтало бўлган бу кимсани назорат қилишни, уни тартибга чакоришни хаёлларига ҳам келтиришмаган. Энг ёмони, ногирон фарзанди билан Гулбаҳорни тайинсиз кимсанинг кўлига топширган марҳуманинг яқинлари ҳам аввал-бошида ноқарор кандалликка юз тулган бу оилани ўз ҳолига ташлаб қўйишган. Таассуфки, Гулбаҳор шу тариқа эътиборсизлик ва лоқайдлик қурбонига айланган.

Бу каби мудҳиш ҳодисалар тақрорланмаслиги учун наинки тегишли идоралар, балки кенг жамоатчилик ҳам оғоҳ бўлиши шарт. Зеро, жамиятда ҳар бир инсон ҳаёти бир-бирига чамбарчас боғлиқдир.

Абулқосим РЎЗИҚУЛОВ,
Сурхондарё вилояти суди раиси
Абдунаби БОБОЁРОВ,
«Куч - адолатда» муҳбири

Куч — адолатда

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 0224-рақам билан
руйхатдан ўтган.



ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Бахтиёр ИСЛАМОВ
Робохон МАХМУДОВА
Халилullo ТУРАХУЖАЕВ
Икрам МУСЛИМОВ
Шухрат ПОЛВАНОВ

Холмўмин ЁДГОРОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Замира ЭСОНОВА
Азиз АБИДОВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Саҳифаловчи:

Шерзод
ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзиллари: 100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпонота
кўчаси, 6-уй, Тел.: 71 273-72-29 E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Нашр индекси: яқна тартибда - 574, ташиқлотлар учун - 575.
Буюртма: G-615 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ.
Сотувда эркин нархда. Адади: 6880
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 21⁰⁰. Топширилди: 23⁰⁰.